Текширув натижасига кура берилган хулосада корхонани тугатиш зарур деб хулосаланган булса, корхона раҳбари узаро ҳисоб-китоб буйича мурожаат килишлари мумкинлигини билдириб, бир ой муддат ичида матбуотда эълон бериб боради. Эълон буйича мурожат қилган ҳақдорлар бир ой давомида тугатиш комиссияси томонидан руйхатга олиб борилади. Бир ой муддатдан кейин мурожатларни қабул қилиш тухтатилади, сунгра тугатила\тган корхонанинг тала қилиб олингунга қадар сақланадиган депозит ҳисоб варағидаги маблағи ёки балансидаги мулки ҳисобидан биринчи навбатда туланиши зарур булган мажбуриятлари тулаб берилади. Уларга солиқ ва бошқа мажбурий туловлар, ҳамда ходимларнинг иш ҳаққи киритилади. Биринчи навбатда туланиши зарур булган қарзлари ҳисоб-китоб рақамидаги маблағи ва балансидаги мулки ҳисобидан қопланиш имконияти мавжуд булмаса, корхона тасисчиларининг шахсий мулки ҳисобидан қопланади (масъулияти чекланган жамият бундан мустасно).

Биринчи навбатда туланиши зарур булган қарзлар тулик қоплангандан кейин қолган маблағ қолган қарзлар суммаларидан юкори булса, қарзлар тулик қопланиб, ортиқча сумма корхона тасисчилари уртасида тасис улушига пропорционал равишда тугатиш комиссиясининг хулосасида қурсатилган муддатда банкдан олиш шарти билан тақсимланади. Тугатиш комиссиясининг хулосасида қурсатилган муддатда банкдан олинмаса бюджетга тегишли маблағ сифатида бюджетсч\тига банк томонидан утқазиб юборилади. Тугатиш комиссиясининг хулосасида қурсатилган тартибда тугатила\тган корхонага тегишли булган маблағлар тақсимлаб бўлингандан кейин тала қилиб олингунга қадар сақланадиган депозит ҳисоб варағида қолдик нулга тенг булган ҳолатда депозит ҳисоб варағи \пилиб, Марказий банкка \пилганлиги тугрисида маълумотнома берилади. Шу қундан бошлаб ушбу ҳисоб варақ буйича барча ҳисоб-китоблар тулик тухтатилади.

Корхона бошқа банк орқали фаолия қурсатмокчи бўлиб банк бошқарувчисига ариза билан мурожаат қилганда аризада қайси банкда фаолия юритмокчи эканлиги қурсатилиб, ушбу банкнинг бошқарувчисини розилигини тасдиқловчи имзо қуйилиши керак.

Ариза бошқарувчи томонидан урганиб чиқиш учун ёки қондирилиши учун бухгалтерияга чиқарилади. Бухгалтерия аризада қурсатилган иккинчи банкка ҳисоб-китоб рақами қурсатилган маълумотномани биринчи банкка тақдим қилади. Ушбу маълумотномага асосан иккинчи банк ҳисоб-китоб рақами очиб, ҳисоб-китоб рақами очилганлиги тугрисидаги маълумотномани биринчи банкка тақдим қилади. Биринчи банк маълумотномада қурсатилган ҳисоб-китоб рақамига \пила\тган ҳисоб-китоб рақамидаги қолдик суммани утқазиб беради, сунгра қолдик нулга тенг

булган ҳолатда ҳисоб-китоб раками \пишганлиги тугрисидаги маълумотнома Марказий банкка тақдим қилади. Қолдиқ сумма иккинчи банкка утказилиб берилганидан кейин ҳисоб-китоб раками эгасига тегишли булган барча маълумотлар банк ходимлари уртасида топшириш ва қабул қилиб олиш тугрисидаги далолатномага асосан тақдим қилинади.

Қорхона талаб қилиб олгунча сақланадиган депозит ҳисоб варагидан уч ой ва ундан ортиқ муддатда ҳисоб-китобни амалга оширмаса ҳисоб-китоб раками вақтинчалик \пилиб, солиқ инспекциясига маълумот берилади. Шу даврдан бошлаб, ҳисоб-китоб ракам эгаси мурожат қилгунга қадар ҳисоб-китоблар тухталган ҳолатда сақланади. Мурожат қилган пайтда Давлат солиқ инспекцияси тугатиш комиссиясига урганиб беришини сураб мурожат қилади. Тугатиш комиссиясининг ҳулосасига асосан қорхона банкрот деб эълон қилиниши ёки ҳисоб-китоб раками орқали фаолиятини қайта бошлашга рухсат берилиши мумкин.

4-мавзу: Банкларда ҳужжатлар айланиши.

1. Ҳужжатлар ҳақида тушунча ва уларнинг турлари.
2. Мижозлар томонидан банкка тақдим қилинадиган ҳужжатлар.
3. Банк муассасаларида иш қуни ва ҳужжатлар айланишини ташкил қилиниши.
4. Банкларда бухгалтерия ҳужжатларини сақлаш тартиби.

1. Ҳужжатлар ҳақида тушунча ва уларнинг турлари.

Тегишли реквизитларга эга бўлган ва юридик жihatдан тили= расмийлаштирилган =о\оз бланкага ҳужжат дейилади. Ҷисобга олиниши керак бўлган шар бир операция ша=идаги маълумотни ыз ичига жамлаган ва операцияларни =онунийлигини тасди=ловчи ҳужжатларни мажмуига ҳужжатлаштириш дейилади. Бухгалтерия җисобида бажарилиши керак бўлган шеч бир операция ҳужжатсиз амалга оширилиши мумкин эмас. Чунки ҳужжатлар мулкнинг талон тарож =илинмасдан тили= са=ланишини таъминлашда муҳим роль ўйнайди. Мисол учун, пул мабла\ларини банкка топшириш ёки олишни тили= ҳужжат асосида амалга ошириш мумкин, бажарилаётган операцияларнинг ты\рилиги ёки =онунийлиги кейинчалик шу ҳужжатлар асосида текширилади. текшириш натижалари тащлил =илиниб керакли чоралар қйрилади. Шунинг учун ҳужжатлар бухгалтерия җисобининг асоси җисобланади.

Ҳужжатлардаги операцияларнинг мазмуни, уни җисобга олиш учун керак бўлган барча белгилар ҳужжатларнинг реквизитлари дейилади.

Ҳужжатларнинг асосий реквизитларига =уйидагилар қиради:

1. Ҳужжатнинг тили= номи.
2. Ҳужжатнинг тылдириш муддати ва номери.
3. Томонлар ты\рисидаги маълумотлар:

- а) томонларнинг номлари;
- б) банкдаги ҳисоб-китобларнинг номерлари;
- в) банкларнинг номи ва банк коди;
- г) СТИР.

4. Операция мазмуни.

5. Сумма (Сон ва сўз кўринишида).

6. Рахбар шахсларнинг имзолари ва корхона муҳри.

Шар бир ҳужжат ҳатосиз, ёзув машинкаларда бир йўла бир неча нусхаларда тайдирилиши ёки компьютерда тилиши керак. Касса операциялар бўйича ишлатиладиган ҳужжатлар бундан мустасно, бундай ҳужжатлар ёлда, ручка ёрдамида тайдирилади.

Банкда ишлатиладиган ҳужжатларни биз шартли равишда икки гуруҳга бўламиз:

1. Мижоз томонидан расмийлаштирилладиган ҳужжатлар.
2. Банклар томонидан расмийлаштирилладиган ҳужжатлар.

Банкларда ҳужжатларнинг асосий гуруҳи мижозлар томонидан расмийлаштирилиб операция бажариш учун банкка тақдим қилинади. Уларга тулов топшириқномаси, тулов талабномаси, инкассо топшириқномаси, чек дафтарчаси, пул топшириш тугрисидаги эълон ва бошқа ҳужжатларни мисол қилиш мумкин.

Мижозлар томонидан тақдим қилинган ҳужжатларга асосан бажарилган операциялар банкнинг ички ҳужжатларида расмийлаштирилади. Уларга ҳисоб-китобларнинг номерлари бўйича ведомостлар, мемориалний ордерлар, қирим - чиқим касса ордерлари, қирим-чиқим касса журналлари, йиғма ҳисоботлар ва бошқа ҳужжатларни мисол қилиш мумкин.

Бундан ташқари бажариладиган операция мазмунига қара ҳужжатларни 3 гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Нақд пулсиз ҳисоб-китобларда ишлатилладиган ҳужжатлар.
2. Нақд пул билан бўлиқ касса ҳужжатлари,
3. Балансдан ташқари ҳисоблар бўйича қирим-чиқим ҳужжатлари.

2. Мижозлар томонидан банкка тақдим қилинадиган ҳужжатлар.

Мижозлар томонидан банкка тақдим қилинадиган ҳужжатларга қуйидагилар қиради:

- Тулов топшириқномаси
- Тулов талабномаси
- Инкассо топшириқномаси
- Аккредитив ариза
- Пул топшириш тугрисидаги эълон
- Чек дафтарчаси
- Кредит олиш тугрисидаги ариза ва бошқалар

Ушбу ҳужжатлар мижозлар томонидан расмийлаштирилиб, унга асосан операция бажариш учун банкка тақдим қилинади. Банкларда ушбу

хужжатларга асосан операциялар бажаришидан олдин хужжатларда келтирилган реквизитларнинг тугрилиги текширилади. Ушбу хужжатлар нақд пулсиз ҳисоб-китоб шаклида кулланиладиган касса ва кредит хужжатларига бўлинади. Тулов топширикномаси, тулов талабномаси, инкассо топширикномаси, аккредитив каби хужжатлар нақд пулсиз ҳисоб-китоб шаклида кулланиладиган хужжатлар ҳисобланиб, ушбу хужжатлар корхона бухгалтерия ходими томонидан расмийлаштирилиб, корхонага хизмат килувчи нақд пулсиз ҳисоб-китоб шакли билан ишловчи назоратчи ҳисобчига такдим қилинади. Назоратчи-ҳисобчи хужжатда курсатилган реквизитларни тугрилигини текшириб, тугри деб ҳисобланганда «текширилди» деб курсатилган жойига имзо қуяди. Сунгра ушбу хужжат бош ҳисобчи томонидан қайта текширилиб, тугри деб ҳисобланганда маъқулланди деб курсатилган жойига имзо қуяди. Сунгра ушбу хужжат банк бошқарувчиси томонидан операция бажаришга рухсат берилганлигини тасдиқлаб, имзоланади.

Пул топшириш тугрисидаги эълон, чек дафтарчаси - ушбу хужжатлар мижозлар томонидан банкка такдим қилинадиган касса хужжатлари ҳисобланиб, мижоз томонидан расмийлаштирилиб, банкка нақд пул билан ишловчи назоратчи ҳисобчига такдим қилинади. Назоратчи-ҳисобчи томондан ушбу хужжатлар маълумотлари тугрилиги текширилади ва бош ҳисобчи қайта назоратдан утқазади. Банк бошқарувчиси эса ушбу хужжатларга асосан операция бажарилиши мумкинлигини тасдиқлаб имзолайди. Сунгра кассир томонидан қирим ёки чиким операцияси амалга оширилади.

3. Банк муассасаларида иш куни ва хужжатлар айланишини ташкил қилиниши.

Банк муассасаларида иш куни 8:00 дан 17:00 гача қилиб белгиланган бўлиб, у бир неча босқичларда амалга оширилади.

1. 8:00 дан 9:00 гача. Мижозлар билан ишлашга тайёргарлик қуриш даври. Ушбу даврда ҳар бир аналитик счёти бўйича кун бошига қолдиқлар тугрилиги текширилиб мижозларга такдим қилиниши зарур бўлган маълумотлар тайёрланиб қуйилади.

2. Мижозлар билан ишлаш вақти. Ушбу даврнинг ўзи иккига бўлинган ҳолатда амалга оширилиб, мижозларга касса хизматини қурсатиш даври ва нақд пулсиз ҳисоб-китоблар бўйича мижозларга хизмат қурсатиш даврига бўлинади. Мижозларга касса хизматини қурсатиш даври 9:00 дан 13:00 га қадар қилиниб белгиланган бўлиб, ушбу даврда мижозлар томонидан банкка такдим қилинаётган нақд пулларни қабул қилиб олиш ва мижозларга иш ҳаққи ва унга тенглаштирилган мақсадлар учун нақд пул етказиб бериш билан боғлиқ операциялар бажарилади. Нақд пулсиз ҳисоб-китоб шаклида мижозларга хизмат қурсатиш даврида мижозлардан қабул қилинган тулов хужжатларини тугрилигини текшириш, тулов учун қабул қилиш ва туловларни амалга ошириш операциялари бажарилади. Худди шу

даврда миждозларга келиб тушган маблаглар ҳам синтетик счётлар буйича хисобга олиб борилади. Ушбу операциялар 9:00дан 16:00гача амалга оширилиши мумкин.

3. Кунлик операцияларни якунлаш даври. Ушбу давр 16:00дан 17:00гача килиб белгиланган булиб, хар бир аналитик счёт буйича колдикларни аниклаш, кунлик хисоботларни , ҳамда кунлик хисоботларни булим бошликлари оркали бош хисобчига такдим килиш ишлари амалга оширилади. Ушбу давр бош хисобчи томонидан кунлик балансни Марказий банкга такдим килиш билан якунланади.

Мижозлар томонидан банкка такдим килинган хужжатларни банклар оркали яна миждозларга етиб бориши банкларда хужжатларни айланиши деб аталади. Мижозлар томонидан банкка такдим килинаётган хужжатлар банк ходимлари томонидан кабул килиб олинисидан олдин хужжатдаги маълумотлар, хужжатнинг реквизитлари тугрилигини текширилиб, тугри деб хисобланганда тулов учун кабул килинади. Масалан, тулов топширикномасига асосан хисоб-китоб амалга ошириш учун миждоз томонидан банкка тулов топширикномаси такдим килинади. Банк томонидан тулов топширикномасида курсатилган суммани хисоб-китоб ракамида мавжудлигини, имзоларни имзо намуналарига мослигини, туловчи ва олувчи тугрисидаги маълумотни тугрилиги текширилгандан кейин тугри деб хисобланганда тулов учун кабул килинади.

Мижоз томонидан банкка такдим килинаётган хужжатларга асосан операция бажарилгандан кейин хужжатларнинг бир нусхаси ёки электрон нусхасидан кучирмаси ёки миждоз томонидан банкка такдим килинган хужжатга асосан расмийлаштирилган банкнинг ички хужжати хужжатлар йигмасига тикилади.

4. Банкларда бухгалтерия хужжатларини саклаш тартиби

Банкларда бухгалтерия хужжатлари аналитик ва синтетик хисоб хужжатларга булиниб, бажарилаётган операция тугрисида тулик маълумот бериш имкониятига эга булган хисоб-китоб хужжатлари **аналитик хисоб хужжатлари** деб аталади. Уларга тулов топширикномаси, тулов талабномаси, инкассо топширикномаси, пул топшириш тугрисидаги эълон, чек дафтарчаси, ким ва чиким касса ордерлари, мемориал ордерлар, кайдномалар киради. Аналитик хисоб хужжатларни умумлаштирилган холда акс эттиришга мулжалланган хисоб-китоб хужжатлари **синтетик хисоб хужжатлар** деб аталади. Уларга бухгалтерия баланси, касса хисоботи, айланма кайдномалар, кунлик хисоботлар ва бошка хужжатлар киради.

Аналитик хисоб хужжатлари операция бажарилгандан кейин купи билан уч йилгача, камида бир йил банк архивида сакланиши шарт хисобланади. Якуний текширув утказилгандан кейин текширув утказилган даврдаги аналитик хисоб хужжатлари текширув якуни буйича тузилган далолатнома илова килинган холда давлат архивига топширилиши мумкин. Синтетик хисоб хужжатлари эса камида беш йил, купи билан йигирма йил

сакланиши керак булган хисоб хужжатлари хисобланиб, беш йилгача асосан кунлик хисоботлар сакланади. Касса хисоботлари, бош китоб, бухгалтерия баланси эса беш йилдан ошиқ муддат сакланиши керак.

Синтетик хисоб хужжатлари якуний текширув утказилгандан кейин банк архивида сакланиши билан уларга асосан ҳеч қандай текширув амалга оширилмайди. Фактгина утган давр маълумотлари бугунги давр маълумотларига солиштириш йули билан таҳлил утказиш мақсадида сакланади.

Аналитик хисоб хужжатлари банк архивида сакланиш даврида бажарилган операция тугрисида маълумот бериш имкониятига эга булган ҳолда, яъни буялмасдан тоза ҳолда сакланиши керак. Чунки ҳар бир текширув даврида ушбу хужжатлар синтетик хисоб хужжатларга солиштириш йули билан текширув амалга оширилади. Агар саклаш муддати даврида хужжатлар йукотилган булса ёки қушимча ёзувлар қилинган булса, ноконуний операция бажарилган хисобланиб, етказилган зарарга қараб жавобгарлик белгиланади.

5-мавзу: Накд пулсиз хисоб-китоблар ҳисоби.

1. Накд пулсиз хисоб-китоб шакллари.
2. Тулов топширикномаси бўйича хисоб-китобларни ҳисобга олиш.
3. Тулов талабномаси бўйича хисоб-китоблар ҳисоби.
4. Инкассо топширикномаси бўйича хисоб-китобларни ҳисобга олиш.
5. Аккредитив бўйича хисоб-китобларни юритиш.
6. Чек билан хисоб-китобларни юритиш.
7. Пластик қартичкалар бўйича ҳисоб-китоблар ҳисоби

1. Накд пулсиз хисоб-китоб шакллари.

Банкларда бажарилаётган операциялар нақд пулсиз хисоб-китоб ва касса операцияларига бўлинади. Накд пул иштирок этмасдан хужжатлар орқали пул маблағларини хисоб-китоб қилиш усули **нақд пулсиз хисоб-китоб** деб аталади.

Нақд пулсиз хисоб-китоблар бир неча шаклларда амалга оширилиб, амалга оширишда қулланиладиган хужжатлар нақд пулсиз хисоб-китоб шакллари хисобланади. Уларга қуйидагилар қиради:

- Тулов топширикномаси бўйича хисоб-китоблар
- Тулов талабномаси бўйича хисоб-китоблар
- Инкассо топширикномаси бўйича хисоб-китоблар
- Аккредитив бўйича хисоб-китоблар
- Хисоб-китоб чеки бўйича хисоб-китоблар

Тулов топширикномасига асосан ҳисоб-китоб мижоз топширигига кура унинг ҳисоб-китоб ракамидаги маблаг ҳисобидан у хоҳлаган жойга утказиб бериш орқали амалга оширилади. Бунинг учун тулов топширикномасида курсатилган сумма ҳисоб-китоб ракамида мавжуд бўлиши шарт ҳисобланади.

Тулов талабномасига асосан мижоз корхона бошка корхоналар билан иктисодий муносабатга киришиш даврида қарздорлиги мавжуд бўлса, ҳақдор корхона томонидан талаб қилиб олиш даврида қўлланилади. Уларнинг акцептли ва акцептсиз шакллари мавжуд бўлиб, **акцептли** шаклида қарздор корхонанинг розилиги суралгандан кейин ҳисоб-китоб амалга оширилиши мумкин. **Акцептсиз** шаклига асосан электро энергия, газ ва бошка маҳсулотлар етказиб берувчи давлатга тегишли бўлган давлат бюджетига билвосита тушувчи маблаглар ундириб олиниши мумкин. Унда қарздор корхонанинг розилигисиз ҳисоб-китоб амалга оширилиши мумкин. Унга ҳақдор корхона томонидан ҳақдорлигини тасдиқловчи ҳужжатлар – шартнома, ҳукумат қарори ёки бошка ҳужжатлар илова қилиниши керак.

Инкассо топширикномасига асосан бюджетга тугридан тугри тушадиган маблаглар, яъни солиқ, божхона божи ва бошка мажбурий туловлар ундириб олишда қўлланилади. Бунда қарздор корхонанинг розилиги ҳам қарздорлигини тасдиқловчи ҳужжат ҳам суралмайди.

Аккредитив бўйича ҳисоб-китоблар иккита корхона ўзаро иктисодий муносабатга киришаётганда бир-бирига ишончсиз ҳолда фаолият қурсатса, ҳисоб-китобнинг аккредитив шаклидан фойдаланилади. Бунда маҳсулот сотиб олувчининг ҳисоб-китоб ракамидаги маблаг ҳисобидан алоҳида аккредитив счёти очилиб, маблаг утказиб қўйилади, лекин бу маблагдан мол етказиб берувчи корхонанинг фойдаланиш имконияти йук. Фактгина маҳсулот етказиб берилганлигини тасдиқловчи ҳужжат банкка тақдим қилингандан кейин аккредитив счётидан маблаг маҳсулот етказиб берувчининг ҳисоб-китоб ракамига утказиб берилади. Аккредитив бўйича ҳисоб-китоб аккредитив аризага асосан амалга оширилиб, унга аккредитив шартнома илова қилиниши керак. Ушбу шартнома томонлар ўртасида тузилиб, томонларга хизмат қурсатувчи банклар томонидан ҳам тасдиқланиши керак. Чунки аккредитивнинг қўпланган ва қўпланмаган шакллари мавжуд бўлиб, қўпланган шаклида аккредитив счётига маблаг утказиб қўйилади, қўпланмаган шаклида эса аккредитив счёти очилади, лекин маблаг утқазилмайди. Бунда мол етказиб берувчи томонидан маҳсулот етказиб берилганлигини тасдиқловчи ҳужжат банкка тақдим қилинган даврида сотиб олувчининг маблаг мавжуд бўлмаса, сотиб олувчининг банки томонидан банкнинг ўз маблаг ҳисобидан тулов амалга оширилади.

Чек билан ҳисоб-китоблар банк кассасида нақд пул етишмаган ҳолатларда қўлланилиб, мижознинг ҳисоб ракамидаги маблаг ҳисобидан банк томонидан чек бланкаси берилади. Мижоз томонидан ушбу чекни тулов воситаси сифатида нақд пул ўрнида фойдаланиши мумкин бўлади.

2. Тулов топширикномаси буйича хисоб-китобларни щисобга олиш.

Тулов топширикномасига асосан мижоз корхона банкдаги хисоб-китоб ракамидаги маблагги хисобидан туловни амалга ошириб беришини банкка топширик сифатида беради. Унда тулов топширикномаси корхона бухгалтери томонидан тулдирилиб, банкка корхонага хизмат килувчи назоратчи-хисобчига такдим килинади. Тулов топширикномасида куйидаги реквизитлар булади:

- Номи ва тартиб номери
- Сана
- Туловчининг номи, хисоб-китоб раками, банки ва банк коди
- Олувчининг номи, хисоб-китоб раками банки ва банк коди
- Сумма (сон ва суз курунишида)
- Тулов максади
- Корхона рахбари ва бош хисобчининг имзоси хамда корхона

мухри

Назоратчи-хисобчи томонидан юкорида курсатилган реквизитларнинг тугрилиги, яъни тулов топширикномасида курсатилган суммани хисоб-китоб ракамида мавжудлиги, имзоларнинг имзо намуналарига мослиги, тулов максадининг Низомда курсатилган фаолиятларга ёки алохида лицензияланувчи фаолият тури булса, лицензиянинг мавжудлиги хамда хисоб-китоб ракамлари, номи ва банк кодининг тугри куйилганлиги текширилади. Тугри деб хисобланганда тулов топширикномасининг энг пастки кисмида жойлашган «текширилди» ёзувининг тегишли катакчаси имзоланади, сунгра тулов топширикномаси бош хисобчи томонидан кайта текширувдан утказилади. Блш хисобчи томонидан хам тугри деб имзоланганда, «маъкулланди» деб курсатилган жойи имзоланади.

Тулов топширикномаси охирида банк бошкарувчиси томонидан имзолангандан кейин хакикий хужжат холатга келган хисобланади ва унга асосан операция бажариш мумкин булади. Тулов топширикномаси банк бошкарувчиси томонидан имзолангандан кейин яна назоратчи-хисобчига кайтарилади. Назоратчи-хисобчи тулов топширикномасининг иккинчи нусхасини уз имзоси ва узига тегишли штамп билан тасдиклаб туловчига кайтаради. Асл нусхасига асосан тулов топширикномасининг компьютердаги мавжуд бланкаси компьютерда турган холда тулдирилади.

Тулов топширикномасининг электрон варианти назоратчи-хисобчи томонидан йигиб борилиб, рейс, яъни пул утказилиши олдида бош хисобчи компютерига утказиб берилади. Худди шу даврда тулов топширикномаларининг асл нусхалари хам бош хисобчига берилади. Бош хисобчи томонидан электрон нусхаларини асл нусхаларига мос эканлиги текширувдан утказилади. Тугри деб хисобланганда, электрон нусхалари банк оператори компютерига утказиб берилади. Оператор компютерига яъни узатувчи курилма уланган кампютерга ытказилади. Худди шу даврда оператор томонидан узат топшири\и берилади.

Тыловчининг банкидан чи==ан маълумот Ўзбекистон Республикаси марказий банкининг тегишли былимининг ҳисоб-китоб марказига келиб, у ерда са=ланиб =олган шолда автоматик равишда олиувчининг банкида оператор кампьютерида кыринади. Оператор маълумотни =абул =илиб олиб, бош ҳисобчи кампьютерига ытказиб беради.

Бош ҳисобчи баланс счётлари бййича бухгалтерия ёзувини амалга ошириб, сынгга тылов топшири=номаларини =айси мижозга келганига =араб назоратчи ҳисобчиларга та=симлаб беради.

Назоратчи ҳисобчилар тылов топшири=номасига асосан келиб тушган мабла\ларни олувчининг ҳисоб-китоб ра=амларида акс эттиради ва тылов топшири=номасининг электрон нусхасидан 2 нусха =о\озга чи=ариб бир нусхасини олувчи мижозга ҳисоб-китоб счётидан кычирма билан бирга пул келиб тушганлигини тасди=ловчи хужжат сифатида беради, бир нусхасини кунлик хужжатлар йи\масига тылов топшири=номасини асли келгунга =адар тикиб =ыяди.

Тулов топширикномаси мижоз уз ҳисобварагидан унга хизмат курсатувчи банкка маълум бир суммани у билан иктисодий муносабатга киришган корхона ҳисобварагига утказиш тугрисидаги топширигини англатади.

Тулов топширикномалар билан товарлар, ишлар, хизматлар ва бошка туловлар буйича ҳисоб-китоблар амалга оширилиши мумкин.

Тулов топширикномаси факат банк томонидан мижознинг талаб килиб олингунча депозит ҳисобварагида маблағлар мавжуд булгандагина қабул килинади, агарда банк ҳисобвараги шартномасида бошкаси кузда тутилган булмаса.

Тулов топширикномасининг санаси уни банкка такдим этилган сана билан бир хил булиши керак, улар мос келмаган ҳолда, тулов топширикномаси ижро учун қабул килинмайди (бюджетга ва бюджетдан ташкари фондлар буйича туловлар, бундан мустасно).

Ўзбекистон Почта ва телекоммуникация агентлиги оркали (пенсиялар, алиментлар ва х.к.) маблағларни олувчиларга тулов топширикномалари билан жунатишда, илова килиниши лозим булган барча хужжатлар (жунатмалар руйхати, маълумотномалар ва бошқалар) мижозлар томонидан бевосита Ўзбекистон почта ва телекоммуникация агентлиги корхоналарига такдим этилади.

Ҳисобвараглардан кечиктириб булмайдиган эҳтиёжлар учун ажратилган суммалар ҳисобидан маблағларни ишлатиш хужалик юритувчи субъектларнинг тулов топширикномаларига асосан "Хужалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисобварақларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тартиби тугрисида"ги Йурикномага (30.01.99 й. 615-сон билан руйхатга олинган) мувофиқ, амалга оширилади.

Тулов топширикномасининг "туловнинг мақсади" графасида "кечиктириб булмайдиган зарурий туловлар буйича суммалар ҳисобидан" сузи ёзилиб куйилади.

Тулов топширикномалари банкка куйидаги тартибда такдим этилади:

1) туловчи ва маблағларни олувчига битта банкда хизмат курсатилса, уч нусхада такдим этилади:

а) биринчи нусха туловлар амалга оширилгандан кейин, банкнинг кунлик хужжатлар йигмажилдига тикилади;

б) иккинчи нусхаси маблағлар олувчининг шахсий ҳисобварагидан олинган кучирмага илова қилинади;

в) учинчи нусхаси туловчининг шахсий ҳисобварагидан олинган кучирмага илова қилинади.

1-жадвал

«Тадбиркорбанк» Олтинкул булимида мижозларнинг тулов топширикномасига асосан ҳисоб-китобларини бухгалтерия ёзувларида акс эттирилиши

№	муомала мазмуни	суммаси	дебет	кредит
1.	«Эргаш» фермер хужалигидан Олтинкул МТП га курсатилган тарнспорт хизмати учун пул утказилди	174 000	20208	20210
2.	«Хувайдо» хусусий дуконига махсулот сотиб олиш учун хусусий тадбиркор Э.Турдиевдан пул келиб тушди	263 485	20218	20208

2) туловчи ва маблағларни олувчига ҳар хил банк томонидан хизмат курсатилган ҳолда, икки нусхада такдим этилади:

а) биринчи нусхаси туловлар амалга оширилгандан кейин, банкнинг кунлик хужжатлар йигмажилдига тикилади;

б) иккинчи нусхаси туловчининг шахсий ҳисобварагидан олинган кучирмага илова қилинади.

2-жадвал

«Тадбиркорбанк» Олтинкул булимининг мижозларга тулов топширикномасига асосан келиб тушган маблағларни бухгалтерия ёзувларида акс эттирилиши

№	муомала мазмуни	сумма	дебет	кредит
	«Эргаш» фермер хужалигига гушт	225 000	10301	20208

1.	махсулоти сотиб олиш учун пул келиб тушди			
2.	«Махлиё» хусусий дуконига махсулот сотиб олиш учун пул келиб тушди	105 000	10301	20208
3.	Олтинкул МТП га курсатилган тарнспорт хизмати учун пул келиб тушди	185 500	10301	20210
4.	хусусий тадбиркор Э.Турдиев томонидан аҳолига курсатилган пуллик хизматлар учун олинган нақд пул банкка топширилди	35 300	10101	20218
5.	Олтин дери кушма корхонасига сотилган махсулот пули келиб тушди	6 594 800	10301	20214

3-жадвал

«Тадбиркорбанк» Олтинкул булими томонидан миждозларнинг тулов топширикномасига асосан амалга оширилган туловларни бухгалтерия ёзувларида акс эттирилиши

№	муомала мазмуни	суммаси	дебет	кредит
1.	«Эргаш» фермер хужалигидан озука (ем) сотиб олиш учун Андижон ёғ-мой ХЖ га пул утказилди	178 700	20208	10301
2.	«Махлиё» хусусий дуконидан минерал суви сотиб олиш учун Олтарик минерал сувлари корхонасига пул утказилди	67 400	20208	10301
	Олтинкул МТП дан Тошкент Трактор	8 200 000	20210	10301

3.	заводига трактор сотиб олиш учун пул утказилди			
4.	хусусий тадбиркор Э.Турдиев томонидан сотиб олинган концелария махсулотлари пули туланди	14 200	20218	10301
5.	Олтин дери кушма корхонаси томонидан сотиб олинган хом ашёлар пули туланди	789 600	20214	10301

“Банк-Мижоз” тизимидан фойдаланадиган мижоздан алоқа канали оркали олинган электрон тулов топширикномаси дастурий назоратдан утказилади, зарурат тугилганда, коғозга чиқарилади ва тегишли текширувдан сунг, банк амалиёт қунига қайта ишлаш учун узатилади. Тулов амалга оширилгандан кейин, мижоздан олинган электрон тулов топширикномаси икки нусхада коғозга чиқарилади:

- а) бир нусхаси банкнинг қўнлик ҳужжатлар йигмажилдига тикилади;
- б) бошқа нусхаси пул-ҳисоб-китоб ҳужжатларининг асл нусхаси олингунга қадар, таққослаш учун банкда қўлдирилади, таққослангандан сунг, белгиланган тартибда банк қўнининг алоҳида ҳужжатлар йигмажилдига тикилади.

Электрон туловлар тизими оркали олинган электрон тулов топширикномаси маблағларни олувчи банкда икки нусхада коғозга чиқарилади:

- а) бир нусхаси банкнинг қўнлик ҳужжатлар йигмажилдига тикилади;
- б) бошқа нусхаси маблағлар олувчининг шахсий ҳисобварағидан олинган қўчирмага илова қилинади.

3. Тулов талабномаси бўйича ҳисоб-китоблар шисоби.

Тулов талабномаси (кейинги ёзувларда “талабнома”) - бу маблағларни олувчининг белгиланган суммаси туловчи томонидан банк оркали тулаши тугрисидаги талабини уз ичига олган, пул-ҳисоб-китоб ҳужжатиدير.

Талабнома юклаб жўнатилган (берилган) товарлар, бажарилган ишлар, қўрсатилган хизматлар, шўнингдек, томонлар шартномасида қўзда тутилган бошқа туловлар учун қўйилиши мўмкин.

Талабномалар акцептли ва акцептсиз бўлади. Акцептли туланадиган талабномалар, туловчи томонидан тулов суммасини акцептлаш (тан олиш)ини талаб этади.

Махсулот етқазиб берувчи талабномаларни "туловнинг мақсади" графасида қўйидагиларни қўрсатиб утиши шарт:

- а) шартнома санаси ва рақамини;
- б) контракция шартномалари бўйича махсулот етқазиб беришда “контракция шартномаси” деб, қўрсатиши шарт;
- в) махсулотларни юклаб жўнатиш (бериш) санасини ва товар-

транспорт ёки қабул қилиш-топшириш ҳужжатлари рақамини ва транспорт турини, товарларни почта ва телекоммуникация агентлиги орқали жунатма (посилка) сифатида жунатганда эса - почта қвитанцияларининг рақамини курсатиши керак;

г) товар сотиб олувчининг транспорт воситаси билан олиб кетилганда, “Сотиб олувчининг транспорти билан олиб чиқиб кетилган, ишонч хати ... - сон рақами” курсатилади;

е) қонунчиликда қўзда тутилган бошқа реквизитлар.

Маблағларни олувчи бир операция учун талабномани такроран тақдим этиш ҳуқуқига эга эмас. Туловчининг банкига дастлабки талабнома келиб тушмаганлиги ҳақида хабарнома мавжуд бўлгандаги ҳолат, бундан мустасно.

Талабнома реестр билан бирга маблағларни олувчи томонидан унга хизмат курсатувчи банкка тақдим этилади. Бунда реестр икки нусхада тузилади. Реестрнинг биринчи нусхаси қорхона (ташқилот)нинг раҳбари ва бош бухгалтери томонидан имзоланиб, муҳр изи билан тасдиқланган бўлиши шарт.

Реестрнинг биринчи нусхаси қабул қилинган сана курсатилган ҳолда, бухгалтернинг имзоси ва унга бириктирилган банк тамгаси билан тасдиқланиб, маблағлар олувчининг банкида қолдирилади.

Реестрнинг иккинчи нусхаси қабул қилинган сана, бухгалтернинг имзоси ва унга бириктирилган банк тамгаси билан тасдиқланиб, маблағларни олувчига қайтариб берилади.

Акцептли туланадиган талабнома қуйидаги тартибда тақдим этилади:

1) туловчи ва маблағларни олувчига битта банкда хизмат курсатилса, уч нусхада:

Биринчи ва иккинчи нусхалар туловни қўтиб банкда қолади. Талабноманинг учинчи нусхасини банк, кейинги иш қўнидан қечиктирмасдан, ҳужжатни қабул қилинган санаси курсатилган ҳолда, акцептлаш учун туловчига беради. Тулов акцептланиб, амалга оширилгандан кейин:

а) талабноманинг биринчи нусхаси банкнинг қўнлик ҳужжатлар йиғмажилдига тикилади;

б) талабноманинг иккинчи нусхаси маблағларни олувчининг шахсий ҳисобварағидан олинган қўчирмага илова қилинади;

4-жадвал

«Тадбирқорбанк» Олтинқул бўлимига «Олтинқул» МТП томонидан «Сардор» ДФХ номига ёзилган тулов талабномаси бўйича ҳисоб-қитобларни бухгалтерия ёзувларида акс эттирилиши

№	муомала мазмуни	суммаси	дебет	кредит
1.	«Олтинқул» МТПдан Тулов талабномаси тулов учун қабул	312 000	90962	96319

	килинганда «Сардор» ДФХ нинг талаб килиб олингунча депозит хисобварагида маблағ мавжуд булмаган холда			
2.	«Сардор» ДФХ нинг талаб килиб олингунча депозит хисобварагида талабномада курсатилган маблағ йигилганда	312 000	96319	90962
3.	«Сардор» ДФХ томонидан «Олтинкул» МТПга пул тулаб берилганда	312 000	20208	20210

2) туловчи ва маблағларни олувчига хар хил банк томонидан хизмат курсатилган холда, уч нусхада:

Талабномаларнинг барча нусхалари почта алоқаси оркали туловчининг банкига жунатилади, у ерда:

а) биринчи ва иккинчи нусхалари туловни кутиб банкда қолади;

б) учинчи нусхаси кейинги иш кунидан кечиктирмасдан, хужжатни қабул килинган санаси курсатилган холда, акцептлаш учун туловчига берилади.

4-жадвал

«Тадбиркорбанк» Олтинкул булимига «Ойдин» МЧЖ томонидан бошқа банкда фаолият юритувчи «Орзу» кушма корхонаси номига ёзилган тулов талабномаси буйича хисоб-китобларни бухгалтерия ёзувларида акс эттирилиши

№	муомала мазмуни	суммаси	дебет	кредит
1.	Тадбиркорбанк томонидан бошқа банкка Орзу» кушма корхонаси номига тулов талабномаси юборилганда талаб килиб олингунча депозит хисобварагида маблағ мавжуд булмаса	244 000	90962	96319
2.	Орзу» кушма корхонасининг талаб килиб олингунча депозит хисобварагида талабномада курсатилган маблағ йигилганда	244 000	96319	90962
3.	Орзу» кушма корхонаси томонидан «Ойдин» МЧЖга пул тулаб берилганда бошқа банкда	244 000	20214	10301
4.	«Ойдин» МЧЖга пул келиб тушганда Тадбиркорбанкда	244 000	10301	20208

Туловчи талабноманинг юкоридаги чап бурчагига акцепт хакида белги куйган холда, рахбар томонидан имзоланиб, белгиланган муддатда банкка кайтариши шарт. Туловчи акцепт учун белгиланган муддатда уз розилиги ёки туловни бутунлай ёки кисман рад этганлиги тугрисида хабар бермаса, талабнома умумий тартибда акцептланади ва туловлар амалга оширилгандан сунг:

а) биринчи нусхаси банкнинг кунлик хужжатлар йигмажилдига тикилади;

б) иккинчи нусхаси туловчига шахсий хисобварагидан олинган кучирма билан биргаликда берилади.

Акцептсиз туланадиган талабнома куйидаги тартибда такдим этилади:

1) туловчи ва маблагларни олувчига битта банкда хизмат курсатилса, уч нусхада, бунда тулов амалга оширилгандан кейин:

а) талабноманинг биринчи нусхаси банкнинг кунлик хужжатлар йигмажилдига тикилади;

б) талабноманинг иккинчи нусхаси туловчининг шахсий хисобварагидан олинган кучирмага илова килинади;

в) талабноманинг учинчи нусхаси маблаглар олувчининг шахсий хисобварагидан олинган кучирмага илова килинади.

2) туловчи ва маблагларни олувчига хар хил банк томонидан хизмат курсатилган холда, икки нусхада.

Талабномаларнинг барча нусхалари почта алокаси оркали туловчининг банкига жунатилади, бунда тулов амалга оширилгандан кейин:

а) биринчи нусхаси банкнинг кунлик хужжатлар йигмажилдига тикилади;

б) иккинчи нусхаси туловчига шахсий хисобварагидан олинган кучирма билан биргаликда берилади.

Электр ва иссиклик энергияси учун хисоб-китоблар утказилган холларда талабноманинг икки нусхаси хамда ажратилган электр ва иссиклик энергияси буйича хисобварақ-фактура махсулот етказиб берувчи томонидан бевосита истеъмолчининг хизмат курсатувчи банкига куйилади, бунда тулов амалга оширилгандан кейин:

а) биринчи нусхаси банкнинг кунлик хужжатлар йигмажилдига тикилади;

б) иккинчи нусхаси туловчи (истеъмолчи)га шахсий хисобварагидан олинган кучирма ва хисобварақ-фактура билан биргаликда берилади.

Маблагларни олувчи банкида туланган электрон талабнома, электрон тулов тизими оркали олиниб, икки нусхада когозга чикарилади:

1) биринчи нусхаси банкнинг кунлик хужжатлар йигмажилдига тикилади;

2) иккинчи нусхаси маблагларни олувчининг шахсий хисобварагидан олинган кучирмага илова килинади.

Талабнома, туловчининг депозит хисобварагида маблаглар булмаган такдирда, "Муддатида туланмаган хисоб-китоблар хужжатлари" хисобвараклари (2-картотека)га жойлаштирилади. Бу ҳақда маблаглар олувчининг банкига 3 кундан кечиктирмасдан хабар берилиши шарт ва туловлар хисобварақка келиб тушган маблаглар хисобидан конунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Туловчининг депозит хисобварагида маблаглар етарли булмаганда, талабнома туловини банк қисман амалга оширади. Қолган суммадаги талабнома 2-картотекага жойлаштирилади, бунда талабноманинг орқа томонида қисман туланган сумма \зиб курсатилади.

Акцептли туланадиган тулов талабномалари:

Туловчининг банки талабнома акцептини қуйидаги муддатини белгилайди:

- а) бир шаҳар ичида жойлашган миждозлар учун - талабномани банкка келиб тушган кунини хисобга олмаган ҳолда, уч иш куни;
- б) бошқа шаҳарларда жойлашган миждозлар учун - талабномани банкка келиб тушган кунини хисобга олмаган ҳолда, беш иш куни;
- в) туловчининг асосли илтимосига кура - 10 кунгача;

Акцептли туланадиган тулов талабнома нусхаси хужжат банкка тушгандан сунг, кейинги кундан кечиктирмасдан, "Тулов муддатини қутаётган хисоб-китоб хужжатлари" журнагида туловчи вакили имзоси билан қайд этиб топширилгандан сунгина, "Тулов муддатини қутаётган хисоб-китоб хужжатлари" хисобвараклари (1-картотека)га жойлаштирилади.

Туловчи белгиланган муддатда, ёзма равишда, унга хизмат қилувчи банкка акцептлашни қисман ёки тулик рад қилиш ҳуқуқига эга.

Акцептлашни қисман ёки тула рад этса, туловчи банкка рад этишнинг сабабини курсатган ҳолда, раҳбар ва бош бухгалтернинг имзолари билан тасдиқланган рад хатини тақдим этиши шарт.

Агарда, белгиланган муддатда туловчи ёзма равишда акцептлашни рад этмаса, талабнома акцептланган хисобланади.

Банклар акцептлашни рад қилиш мохияти бўйича бахсларни қуриб чиқмайдилар.

Туловчидан ёзма равишда акцептлашдан тулик рад (сабаби курсатилган ҳолда) олинганда, талабнома шу куннинг узидаёқ, 1-картотекадан олинади ва ёзма эътироз нусхаси билан бирга, маблагларни олувчининг банкига, иждросиз, почта орқали қайтариб юборилади.

Талабномани акцептлашдан қисман бош тортганда, туловчи томонидан акцептланган сумма бўйича туловлар амалга оширилади, маблаглар булмаганда эса, 2-картотекага жойлаштирилади. Талабноманинг дастлабки суммаси айланага олинади ва ёнига туловчи акцептлаган талабнома суммаси қуйилади.

Бунда банк туловчи томонидан акцептлашни қисман рад қилинганлиги тугрисида маблаглар олувчининг банкига ёзма равишда хабар бериши шарт.

Акцептсиз туланадиган тулов талабномалари:

Туловчиларнинг хисобварақларидан маблағларни акцептсиз хисобдан чиқариш қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

а) электр ва иссиқлик энергияси учун хисоб-китобларда. Бу ҳолда талабнома ва ажратилган электр ва иссиқлик энергияси учун хисобварақ-фактура маҳсулот етказиб берувчи томонидан бевосита истеъмолчига хизмат курсатувчи банкка қўйилади;

б) қарздор томонидан талабномага даъво суммаси тан олинганлиги ҳақида жавоб хатининг асл нусхаси илова қилинганда;

в) қонунчиликда тугридан-тугри қўзда тутилган бошқа ҳолларда.

Улчов асбоблари курсаткичлари ва амалдаги тарифлар асосида ўзилган электр ва иссиқлик энергияси учун хисоб-китобларда "Тулов мақсади" графасида "улчов асбоблари курсаткичлари" ёки "тариф асосида" деган ўзув курсатилади.

Талабноманинг юқоридаги унғ бурчагига "Акцептсиз" деган суз ўзилади ёкишу ўзув ўзилган муҳр қўйилади. Банк илова қилинган ҳужжатларнинг талабномада курсатилган реквизитларига мослигини текширади.

Туловчининг банкида амалиёт (операцион) қўни давомида келиб тушган акцептсиз туланадиган талабномалар шу қўннинг узида қў туланади. Агар туловчининг хисобварағида маблағлар мажжуд ёкиетарли бўлмаса, талабнома туланмаган суммада 2-қартотекадаги хисобварақларга жойлаштирилади.

Акцептсиз туланадиган тулов талабномалари қисман туланганда, дастлабки сумма айланага олиниб, унинг ёнига қисман туловдан қолган сумма ўзиб қўйилади.

4. Инкассо топширикномаси бўйича хисоб-китобларни шисобга олиш.

Инкассо топширикномаси маблағлар олувчининг туловчининг хисобварағидан сузсиз тартибда маблағларни хисобдан чиқариш тугрисидаги банкка топширигини аңлатади.

Инкассо топширикномаларини қуйидагилар тақдим қилиши мумкин:

а) солиқ органлари - солиқлар ва давлат бюджетига бошқа мажбурий туловлар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий туловларга оид туловлар ва боқимондаларни ундириб олишда;

б) "Ўзавтодор" концерн органлари - Республика йул фондига муддати утиб кетган туловлар бўйича маблағлар ундиришда;

в) божхона органлари - уз муддатида туланмаган божхона туловлари ва жарималарни ундиришда;

г) суд ижрочилари ва ундирувчилар - ижро ҳужжатлари бўйича пул маблағларини ундиришда;

д) қонунчиликка мувофиқ бошқа органлар.

Қўйидагилар ижро ҳужжатлари хисобланади:

- а) судлар томонидан берилган ижро варакалари;
- б) суд буйруклари;
- в) алиментлар тулаш тугрисидаги нотариал тарзда тасдиқланган келишувлар;
- г) нотариусларнинг ижро хатлари;
- д) меҳнат низолари комиссиялари ўз қарорлари асосида берадиган гувоҳномалар;
- е) маъмурий ҳуқуқбузарликлар тугрисидаги ишларни куриб чиқиш ваколатига эга органлар (мансабдор шахслар) чиқарган қарорлар;
- ж) суд ижрочиларининг қарорлари;
- з) қонунчиликда қўзда тутилган ҳолларда, бошқа органларнинг ҳужжатлари.

Банк томонидан ижро ҳужжатлари асосида қўйилган ҳисобварақлардан пул маблағларни ундириш учун инкассо топшириқномаларни факат ижро ҳужжатининг асл нусхаси ёки унинг дубликати илова қилинган ҳолда қабул қилинади. Ҳужжатларнинг нусхалари бўйича туловчиларнинг ҳисобварақларидан маблағларни ҳисобдан чиқариш таъқиқланади.

Ижро ҳужжатлари бўйича суммаларни ундириб олишда инкассо топшириқномаларида албатта ижро ҳужжатларнинг рақами ва санаси қўрсатилиб, бунда қарз ва давлат божи бўйича харажатлар суммаларини алоҳида ажратиш зарур.

Инкассо топшириқномаси қўйилишини ҳаққонийлиги бўйича масъулият инкассо топшириқномасини қўйган шахсга юклатилади. Банк туловчиларнинг ҳисобварағидан сузсиз тартибда маблағларни ҳисобдан чиқаришига эътирозларини куриб чиқмайди.

Инкассо топшириқномалари билан маблағларни олувчи фойдасига маблағларни ҳисобдан чиқариш бўйича ҳужжатлар, Қонунда белгиланган муддатдан ўтказилиб тақдим қилинганда, банк ўшбу ҳужжатларни қабул қилмайди.

Ундириб олишни тўхтатиб туриш ёки тўлиқ тўхтатиш қонунчиликда қўрсатилган тартибда амалга оширилади.

Ундириб олиш бўйича тўхтатилган ҳужжат инкассо топшириқномасини қўйган шахсга қайтарилиши керак.

Банк, «Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тугрисида»ги Низом¹ га мувофиқ, ҳужжатни топшириш ёки жунатишда, банкнинг бош бухгалтери ва назоратчи бухгалтери имзоси ҳамда банк муҳри билан ҳужжатни тасдиқлаган ҳолда, қўйидагиларни қўрсатиб ўстхат ёзади:

- а) ҳужжатнинг банкка келиб тушган санасини;
- б) агарда банк томонидан ҳужжат қисман туланган бўлса, ундириб олинган сумманинг миқдорини (ёзма равишда);
- в) банк томонидан ҳужжатни топшириш ёки жунатиш санасини.

Инкассо топшириқномалари юқорида қўрсатилган тақдим қилиниши

¹ Ўзбекистон республикаси маҳкамий банкнинг 12 январ 2002 йил 1/4 сонли қарори билан тасдиқланган.

мумкин булган шахслар томонидан бир шаҳар ичида ҳисоб-китобларда хизмат курсатувчи банкка ёки бевосита туловчининг ҳисобвараги юритилаётган банкка, шаҳарлараро ҳисоб-китобларда эса - факат хизмат курсатувчи банкка такдим этилади.

Инкассо топшириқномаси банкка қуйидаги тартибда такдим этилади:

1) агар туловчи ва маблағлар олувчига битта банкда хизмат курсатилса - турт нусхада, бунда:

а) инкассо топшириқномасининг биринчи, иккинчи ва учинчи нусхалари банкда ижро учун қолдирилади;

б) туртинчи нусха, ҳужжатларни қабул қилиш санаси курсатилган ҳолда, бухгалтер томонидан имзоланиб ва банкнинг унга бириктирган тамгаси (штампи) билан тасдиқланиб, маблағларни олувчига қайтариб берилди.

1) бир шаҳар ичида ҳисоб-китоблар юритишда инкассо топшириқномаси бевосита туловчининг банкига уч нусхада такдим қилиниши мумкин, бунда:

а) биринчи ва иккинчи нусхалари, ижро ҳужжатлари илова қилинган ҳолда, банкда ижро қилиш учун қолдирилади;

б) учинчи нусха, қабул қилиш санаси курсатилган ҳолда, бухгалтер томонидан имзоланиб ва банкнинг унга бириктирган тамгаси билан тасдиқланиб, маблағларни олувчига қайтариб берилди.

1) маблағларни олувчи томонидан шаҳарлараро ҳисоб-китоблар учун инкассо топшириқномасини, факат унга хизмат курсатувчи банкка такдим қилинганда - уч нусхада, бунда:

а) биринчи ва иккинчи нусхалари ижро ҳужжатлари билан бирга почта орқали ижрочи банкка, бухгалтер имзоси ва банкнинг унга бириктирган банк тамгаси билан тасдиқланиб, ҳужжатларни қабул қилиш санаси курсатилган ҳолда, жунатилади;

б) учинчи нусхаси, ҳужжатларни қабул қилиш санасини курсатган ҳолда, бухгалтер имзоси ва банкнинг унга бириктирган тамгаси билан тасдиқланиб, маблағларни олувчига қайтариб берилди.

Инкассо топшириқномасининг ижроси туловчи банкида қуйидаги тартибда амалга оширилади:

1) агар туловчи ва маблағларни олувчига битта банкда хизмат курсатилса, бунда:

а) инкассо топшириқномасининг биринчи нусхаси банкнинг қўнлик ҳужжатлар йиғмажилдига тикилади;

б) иккинчи нусхаси, ижро ҳужжатлари иловаси ва шахсий ҳисобварагидан олинган қўчирма билан биргаликда, туловчига берилди;

в) учинчи нусхаси, шахсий ҳисобварагидан олинган қўчирма билан биргаликда, маблағларни олувчига қайтарилади.

1) бир шаҳар ичида ҳисоб-китоблар юритишда:

а) биринчи нусхаси банкнинг қўнлик ҳужжатлар йиғмажилдига тикилади;

б) иккинчи нусхаси ижро хужжатлари иловаси ва шахсий ҳисобварагидан олинган кучирма билан биргаликда, туловчига берилади;

1) шаҳарлараро ҳисоб-китоблар юритишда:

а) биринчи нусхаси банкнинг кунлик хужжатлар йигмажилдига тикилади;

б) иккинчи нусхаси ижро хужжатлари иловаси ва шахсий ҳисобварагидан олинган кучирма билан биргаликда, туловчига берилади.

Бир шаҳар ичида ва шаҳарлараро ҳисоб-китобларда туланган ҳамда электрон тулов тизими орқали олинган электрон инкассо топшириқномаси маблағлар олувчининг банкида икки нусхада коғозга чиқарилади:

а) бир нусхаси банкнинг кунлик хужжатлар йигмажилдига тикилади;

б) бошқа нусхаси маблағлар олувчининг шахсий ҳисобварагидан олинган кучирмага илова қилинади.

Туловчининг ҳисобварагида маблағлар булмаганда, инкассо топшириқномаси 2-картотекада туловини қутаётган хужжатлар каторига жойлаштирилади ва қонунчиликда урнатилган тартиб навбатида туланади.

Банк айби билан инкассо топшириқномаси ижро қилинмаган ёки нотугри ижро қилинган ҳолда, қонунчиликда қўзда тутилган асослар бўйича ва миқдорда, банк жавобгар ҳисобланади.

5. Аккредитив бўйича ҳисоб-китобларни юритиш.

Ҳисоб-китобларнинг аккредитив шаклида миқдорнинг (туловчининг) топшириғи билан ва унинг курсатмаларига мувофиқ аккредитив очган банк (банк-эмитент) унинг контрагенти - маблағларни олувчи фойдасига туловни амалга ошириш ёки бошқа банкка бу турдаги туловларни бажариш учун ваколат бериш мажбуриятини маблағлар олувчи томонидан хужжатларни тақдим этган ва аккредитивда назарда тутилган бошқа шартларни бажарган тақдирда, олади.

Аккредитив бўйича ҳисоб-китоблар утқизиш тартиби ва унинг амал қилиш муддати туловчи ва пул маблағларини олувчи уртасидаги шартномада белгиланади.

Шунингдек, шартномада қуйидагилар курсатилиши шарт:

а) банк-эмитентнинг номи;

б) аккредитивнинг тури ва уни бажариш усули;

в) аккредитивни очилганлиги тугрисида маблағларни олувчини хабардор қилиш усули;

г) аккредитивлар бўйича маблағлар олиш учун маблағларни олувчи тақдим этиши лозим бўлган хужжатларнинг тулик рўйхати ва аниқ тавсифи;

д) маҳсулотлар юклаб жунатилгандан (хизматлар курсатилгандан, ишлар бажарилгандан) кейин, хужжатларни тақдим этиш муддатлари, уларни расмийлаштиришга доир талаблар.

Аккредитивлар копланган (депонентланган) ва копланмаган турларда очилиши мумкин.

Копланган (депонентланган) аккредитив очилган тақдирда, банк-

эмитент уни очиш вақтида мижознинг уз маблағларини ёки унга берилган кредитни банк-эмитентнинг мажбуриятлари амал қилиб турадиган бутун муддатга ижрочи банк ихтиёрига утказиши шарт.

Копланмаган аккредитив очилган тақдирда, банк-эмитент ижрочи банкка аккредитивнинг бутун суммасини банк-эмитентнинг ижрочи банкида юритилган ҳисобварагидан ўқириш ҳуқуқини беради.

Аккредитивлар банк томонидан қўзда тутилмаган ҳолатларнинг алоҳида ҳисобварақларида ва 22602 - “Мижозларнинг аккредитивлар бўйича депозитлари” ҳисобварағида ҳисобга олинади. Хар бир маблағларни олувчи ўчун унга хизмат қўрсатувчи банкда аккредитивлар бўйича алоҳида депозит ҳисобварақлари очилади.

